

**ҚОРАҚАЛПОҚ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**PhD.03/30.12. 2019.Tar.20.05 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**  

---

**ҚОРАҚАЛПОҚ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ОТЕГЕНОВ ХАКИМБАЙ МАКСЕТБАЕВИЧ**

**ХИВА ХОНЛИГИ ВА АМУДАРЁ БЎЛИМИДАГИ**  
**1916 ЙИЛГИ ХАЛҚ ҚЎЗҒОЛОНЛАРИ**

**07.00.01 – Ўзбекистон тарихи**

**ТАРИХ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)**  
**ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Нукус - 2020**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**  
**Оглавление автореферата диссертации доктора философии(PhD)**  
**Content of abstract of the Doctor of Philosophy (PhD) dissertation**

**Отегенов Хакимбай Максетбаевич**

Хива хонлиги ва Амударё бўлимидаги

1916 йилги халқ қўзғолонлари..... 3

**Отегенов Хакимбай Максетбаевич**

Народные восстания 1916 года в

Хиве и Амударьинском отделе..... 25

**Otegenov Hakimbay Maksetbaevich**

The people revolts in 1916 in the Khanate of Khiva

and the Amu Darya Department..... 45

**ҚОРАҚАЛПОҚ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**PhD.03/30.12. 2019.Tar.20.05 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ҚОРАҚАЛПОҚ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ОТЕГЕНОВ ХАКИМБАЙ МАКСЕТБАЕВИЧ**

**ХИВА ХОНЛИГИ ВА АМУДАРЁ БЎЛИМИДАГИ**  
**1916 ЙИЛГИ ХАЛҚ ҚЎЗҒОЛОНЛАРИ**

**07.00.01 – Ўзбекистон тарихи**

**ТАРИХ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)**  
**ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Нукус - 2020**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.1.PhD.Таг422 рақам билан рўйхатга олинган.**

Докторлик диссертацияси Бердак номидаги Қорақалпоқ давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида ([www.karsu\\_info.uz](http://www.karsu_info.uz)) ва «ZiyoNET» ахборот-таълим порталида ([www.ziyo.net](http://www.ziyo.net)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Кошанов Бахытбай Абдикеримович**  
тарих фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Шамамбетов Бердамбет Шамамбетович**  
тарих фанлари доктори, профессор

**Полвонов Насматжон Тўраевич**  
тарих фанлари номзоди, доцент

**Етакчи ташкилот:**

**Урганч давлат университети**

Диссертация ҳимояси Қорақалпоқ давлат университети ҳузуридаги PhD.03/30.12.2019.Таг.20.05 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил «26» август соат 16<sup>00</sup> даги мажлисида бўлиб ўтди. (Манзил: 230100, Нукус шаҳри, Ч.Абдилов кўчаси, 1 уй. Тел.: (99361) 223-60-49; Факс: (361) 223-60-49; e-mail: [karsu.info@gmail.ru](mailto:karsu.info@gmail.ru).)

Диссертация билан Қорақалпоқ давлат университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (10 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 230100, Нукус шаҳри, Ч.Абдилов кўчаси, 1 уй. Тел.: (99361) 223-60-49; Факс: (361) 223-60-49.)

Диссертация автореферати 2020 йил «12» август кuni тарқатилди.  
(2020 йил «12» август даги 1 рақамли реєстр баённомаси)



**Р.Б.Балиева**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, тарих фанлари доктори, профессор

**М.М.Давлетияров**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, PhD

**А.Р.Кудияров**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар котиби, тарих фанлари номзоди, доцент

## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** XX аср ижтимоий тараққиёт жараёнининг мураккаб ва кўп қиррали воқеаларига, инсоният ҳаётининг барча жабҳаларида ва халқаро муносабатлар тизимида йирик ўзгаришларга бой бўлиб, улар аср охирига келиб жаҳон цивилизациясига мутлақо янгича қиёфа бахш этди. Бу аср, айниқса, Шарқ халқлари учун муҳим давр бўлди, улар чуқур модернизация жараёнини бошдан кечирди, жуда катта тараққиёт йўлини босиб ўтди. Бу аср унда амалга оширилган улкан ўзгаришларнинг миқёси ва чуқурлиги бўйича бутун инсоният тарихида ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлди. Шу тарихни мукаммал ўрганиш, унинг халқимиз тақдирида тутган ўрнини тўғри баҳолаш бизга бугун юз бераётган воқеаларнинг кўламини англаш имконини беради.

Жаҳоннинг бир қатор илмий марказларида Россия империясининг ер-сув билан боғлиқ амалга оширган ҳудудий сиёсати, мафкуравий зиддиятлар шароитида юз берган ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар, хўжалик ҳаётида юзага келган муаммоларни ҳал қилишга қаратилган амалий саъй-ҳаракатлар ва уларнинг оқибатлари, фуқаролар уруши даврида амалга оширилган фавқулодда чора-тадбирлар ҳақида илмий изланишлар олиб борилмоқда. Бироқ жойлардаги халқ ҳаракатларининг келиб чиқишида мавжуд тузумнинг ўрни, уларни тегишли ҳудуднинг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ҳаётига таъсири ҳамда оқибатларини ҳолисона ёритиш билан боғлиқ масалалар ўз ечимини кутмоқда.

XX аср Ўзбекистон ҳудудида содир бўлган бой ва зиддиятли тарихини ўрганиш миллий онгнинг юксалиши, ёш авлодда ватанга садоқат ҳисларининг шаклланишида ўзига хос тарихий анъаналар катта аҳамият касб этади. Тарихнинг мураккаб воқеаларини англашга интилиш жамиятда ўтмишга ҳурмат ва келажакка ишонч руҳини шакллантиради. Зотан, Ўзбекистон Республикаси Президенти таъкидлаганидек, «Буюк тарихда ҳеч нарса изсиз кетмайди. У халқларнинг қонида, тарихий хотирасида сақланади ва амалий ишларида намоён бўлади. Шунинг учун ҳам у қудратлидир. Тарихий меросни асраб-авайлаш, ўрганиш ва авлодлардан авлодларга қолдириш давлатимиз сиёсатининг энг муҳим устувор йўналишларидан биридир»<sup>1</sup>. Қорақалпоғистон ва Хоразм ҳудудида содир бўлган халқ қўзғолонлари ўзининг ижтимоий-сиёсий аҳамияти билан XX аср бошидаги тарихий жараёнларга катта таъсир кўрсатган. Ушбу воқеаларни ўрганиш ҳамда объектив баҳо бериш тарих фани олдидаги долзарб масалалардан бири бўлиб қолмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 30 июндаги «Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ҳузурида Ўзбекистоннинг энг янги тарихи бўйича Жамоатчилик кенгаши фаолиятини ташкил этиш

---

<sup>1</sup> Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. Асарлар. 1 жилд. — Тошкент: Ўзбекистон НМИУ, 2017. – Б. 29.

тўғрисида»ги ПҚ-3105-сон қарорида<sup>2</sup> ҳамда Ўзбекистон Республикасини 2017-2021 йилларда ривожлантириш Ҳаракатлар стратегиясида<sup>3</sup>, 2018 йил 28 ноябрдаги «Ўзбекистон Республикаси миллий маданиятини янада ривожлантириш концепцияси тўғрисида»ги қарорида<sup>4</sup> белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига боғлиқлиги.** Диссертация республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Ишнинг давлат дастурлари ёки илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Мазкур тадқиқот иши ҚҚДУ «Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон тарихи» кафедраси ва ЎзР ФА ҳузуридаги «Ўзбекистоннинг энг янги тарихи масалалари бўйича мувофиқлаштирувчи-методик марказ» илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқ ҳолда амалга оширилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Мавзуга доир адабиётлар талқини ҳақида диссертациянинг биринчи бобида батафсил маълумотлар акс этган. Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон тарихчиларининг тарихшунослик асарларида ушбу муаммо кенг ёритилган<sup>5</sup>.

**Тадқиқотнинг мақсади** Хива хонлиги ва Амударё бўлимидаги 1916 йилги халқ кўзғолонларининг сабаб ва оқибатларини очиб беришдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

1916 йилги халқ кўзғолонларининг сиёсий, иқтисодий ва маънавий омилларини ёритиш;

Асфандиёрхон томонидан чиқарилган фармонларнинг хонлик аҳолиси ўртасида ғалаён бошланиб кетишига таъсирини ўрганиш;

Хўжайли беклиги ҳокими Авазжанхўжанинг тарихий жараёнлардаги ўрнини кўрсатиб бериш;

---

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 30 июндаги «Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ҳузурида Ўзбекистоннинг энг янги тарихи бўйича Жамоатчилик кенгаши фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги ПҚ-3105-сон қарори / <https://www.lex.uz/docs/3251707>

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сон Фармони / <https://www.lex.uz/acts/3107036>

<sup>4</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 28 ноябрдаги «Ўзбекистон Республикасида миллий маданиятни янада ривожлантириш концепциясини тасдиqlаш тўғрисида»ги ПҚ-4038-сон қарори / <https://lex.uz/docs/4084926>

<sup>5</sup> Ахмеджанов Г. А. Российская империя в Центральной Азии. История и историография колониальной политики царизма в Туркестане. -Ташкент: Фан, 1995; Зиёева Д. Туркистон миллий озодлик ҳаракати. Мустабид тузумга қарши 1916 йил ва 1918-1924 йиллардаги халқ курашлари тарихшунослиги. -Тошкент, 2000; Кошанов Б.А., Джумашев А.М. Зарубежная и отечественная историография истории Туркестана, Хорезма и Каракалпакстана в первой четверти XX века. Нукус: Каракалпакстан, 1997; Кошанов Б.А. Каракалпакстан тарихнамасы. Жаңа дэўир. – Нөкис: Билим, 2015.

Хоразм воҳасининг шаҳар ва қишлоқларида қўзғолонларнинг бошланиши ва ривожланиш жараёнини таҳлил этиш;

Амударё бўлими бошлиғи полковник В.П.Колосовскийнинг қўзғолончиларни жазолаш жараёнидаги фаолиятини очиб бериш;

Қурбон Мамед Сардор (Жунаидхон) босқинчилигини баён этиш;

Амударё бўлимида мардикорликка сафарбар этишдаги мустамлакачилик сиёсатининг моҳиятини очиб бериш;

қўзғолон фаолларининг исмларини аниқлаш, уларнинг ғалаёнлардаги иштирокини кўрсатиб бериш;

қўзғолоннинг оқибатлари ва қўзғолончилар тақдирини ёритиш;

қўзғолончиларни тергов ва суд қилиш, жазолаш жараёнларини кўрсатиш;

мардикорликка сафарбарликни амалга ошириш жараёни ва мардикорларнинг қисматини ўрганиш;

1916 йил қўзғолонларининг моҳияти ва тарихий аҳамиятини очиб бериш.

**Тадқиқотнинг объекти.** 1916 йил Хива хонлиги ва Туркистон ўлкаси Амударё бўлимидаги қўзғолончилар фаолияти тадқиқотнинг объекти ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг предмети.** 1916 йилги Хива хонлиги ва Туркистон ўлкаси Амударё бўлимида юз берган сиёсий жараёнлар, мустамлакачилик сиёсатининг маҳаллий аҳолининг турмуш тарзига таъсири, ҳудудга хос бўлган ижтимоий-иқтисодий хусусиятлар, маҳаллий маъмурий органларнинг зиддиятли даврдаги фаолияти билан боғлиқ масалалар тадқиқотнинг предметини ташкил этади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тарихий воқеа ва ҳодисаларга диалектик муносабат, тарих фанининг ҳаққонийлик, холислик, тизимлилик каби тамойиллар ҳамда қиёсийлик, анализ-синтез ва муаммовий-хронологик таҳлил каби тадқиқот усулларида унумли фойдаланилди.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

Асфандиёрхоннинг фармони (ҳарамига бекликлардан қизлар тўплаш ҳақидаги) хонлик аҳолиси ўртасида ғалаён бошланиб кетишига туртки бўлиб, аслида Биринчи жаҳон уруши жараёнида Хоразм воҳаси шаҳар ва қишлоқларидаги оғир вазиятнинг янада кескинлашуви қўзғолонларнинг бошланиши ва оммавий тус олишига олиб келганлиги очиб берилган;

Хива хонлигига қарашли Хўжайли беклигидаги қўзғолон хонликка қарши норозиликларнинг энг кульминацион нуктаси сифатида намоён бўлиб, унда ҳоким Авазжанхўжа хоннинг ҳудуддаги ноиби бўлса-да, юзага келган вазият уни мавжуд тузумга қарши чиқишига ҳамда ўз халқининг озодлик кураши йўлбошчисига айлантиргани исботланган;

Амударё бўлимининг бошлиғи полковник В.П.Колосовский Россия империясининг мардикорликка сафарбар этиш сиёсатини амалга оширишда маҳаллий шарт-шароитлар, халқнинг урф-одат ва қадриятларини ҳисобга олмаслиги хонликда сиёсий вазиятнинг кескинлашуви ва Жунаидхон

бошчилигидаги ёвмут туркманларининг фаоллашувига олиб келганлиги ёритилган;

1916 йил Амударё бўлимидаги умумхалқ ҳаракати жамиятнинг барча тоифа вакиллари қамраб олганлиги, озодлик курашлари, умуммиллий, умуминсоний манфаатлар учун, эрк ва адолатга эришиш йўлида олиб борилганлиги асосланиб, халқ ҳаракатларининг кўлами, уюшқоқлик, оммавийлик даражаси юксалиб борганлиги исботланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

Хива хонлиги ва Туркистон ўлкаси Амударё бўлимидаги 1916 йилги халқ кўзғолонларининг энг муҳим тарихий воқеалари очиб берилган бўлиб, бу бугунги кунда ёшлар онгида ватанпарварлик, инсонпарварлик туйғуларини шакллантиради ва миллий ўзлигини ривожлантиришга йўналтиради; тадқиқот мавзуси бўйича ўқув қўлланма ишлаб чиқилган ва таълим соҳасига жорий этилган; Хива хонлиги ва Туркистон ўлкаси Амударё бўлимидаги 1916 йилги халқ кўзғолонлари тарихига доир бир қатор архив ҳужжатлари ва халқ оғзаки ижоди намуналари ўрганилиб, янги маълумотлар илмий муомалага киритилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Хива хонлиги ва Туркистон ўлкаси Амударё бўлимидаги 1916 йилги халқ кўзғолонлари тарихи Ўзбекистон Республикаси МДА, Қорақалпоғистон Республикаси МДА архив ҳужжатлари ва халқ тарихий қўшиқлари асосида очиб берилган. Шунингдек, тадқиқот натижаларининг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлангани билан белгиланади.

**Тадқиқотнинг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти мустақиллик даврида Хива хонлиги ва Туркистон ўлкаси Амударё бўлимидаги 1916 йилги халқ кўзғолонларини тарихийлик, холислик, тизимлилик тамойиллари ва методлари асосида ёритилиши мазкур муаммога оид методологик ёндашувлар ва назарий хулосаларни такомиллаштиришга хизмат қилади. Илмий муомалага аввал киритилмаган манбалар асосида тайёрланган тадқиқот иши Хива хонлиги ва Туркистон ўлкаси Амударё бўлимидаги 1916 йилги халқ кўзғолонлари тарихининг ҳолати ва муаммолари ҳақида аниқ тасаввур ҳосил қилиш имконини беради.

Тадқиқот натижасида эришилган хулосалардан Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон тарихи фанидан махсус курс, ўқув қўлланма ва дарсликлар тайёрлашда, шунингдек давлат дастурлари ва илмий-амалий лойиҳаларда, музей экспонатларини ташкил этишда фойдаланиш мумкин.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Хива хонлиги ва Амударё бўлимидаги 1916 йил халқ кўзғолонларига оид олинган илмий натижалар асосида:

Диссертант 2020 йилнинг 18-19 февраль кунлари Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси «O‘zbekiston» телерадиоканали ДУК таркибидаги «O‘zbekiston tarixi» телеканали «Мавзу» кўрсатувида иштирок этиб, «1916 йилги Хива хонлиги ва Амударё бўлимидаги халқ кўзғолони»га доир маълумотлар берди. Шунингдек, мазкур масаланинг ўрганилганлик



даражаси, тадқиқотнинг мақсади ҳамда вазифалари, объекти, предмети ва ундан кутилаётган илмий янгиликлар, тадқиқотнинг илмий ва амалий аҳамияти хусусида гапириб ўтди (Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси «O‘zbekiston» телерадиоканали ДУКнинг 2020 йил 19 майдаги 40-648-сон маълумотномаси). Ушбу кўрсатувда 1916 йил Хива хонлиги ва Амударё бўлимидаги халқ кўзғолонлари бўйича маълумотлар берилиб, кенг оммага тарғиб қилинди.

2019 йилнинг 11 апрель куни Қорақалпоғистон Республикаси миллий телерадиокомпаниясининг «Qaraqalpaqstan» телеканалининг ижтимоий-сиёсий, маданий-маърифий мавзудаги «Ўлкемиз бойлап» кўрсатувида диссертант Қорақалпоғистон Республикаси Қонликўл туманида жойлашган «Утеш ботир қўргони» ва «Утеш ботирнинг халқни босқинчилардан ҳимоя қилишдаги баҳодирлиги ҳақида», 10 май куни мазкур кўрсатувда Хўжайли туманидаги 1916 йилги халқ кўзғолони ҳақида чиқиш қилди. Муаллифнинг Хива хонлиги ва Амударё бўлимидаги 1916 йил воқеаларига бағишланган чиқишлари ўзининг илмий-амалий жиҳатдан янгилиги, ёш авлодни ватанпарварлик, миллий ғурур ва ифтихор руҳида тарбиялашда, миллий ўзликни англашда муҳим аҳамиятга эга (Қорақалпоғистон Республикаси телерадиокомпанияси «Qaraqalpaqstan» телеканалининг 2020 йил 18 майдаги 01-07//02-сон маълумотномаси). Тадқиқот натижалари, жумладан, Хива хонлиги ва Амударё бўлимидаги 1916 йил воқеаларига оид маълумотлар келгусида «O‘zbekiston tarixi» телеканалда намойиш этиладиган телекўрсатувларни тайёрлашда муҳим манба бўлиб хизмат қилади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Қатағон қурбонлари хотираси давлат музейи фондини бойитишда, шунингдек, Қорақалпоқ давлат университети тузилмасидаги Қатағон қурбонлари хотираси музейи экспозициясининг «Ўрта Осиё (Туркистон)нинг чор Россияси томонидан босиб олинishi ва маҳаллий халқнинг бунга қарши кураши» номли 1-бўлимини яратишда диссертация илмий натижалари ва маълумотларидан фойдаланилди. Диссертациянинг «Хива хонлигида Авазжон Хўжа раҳбарлигидаги 1916 йил халқ кўзғолонлари сабаблари, хусусиятлари, босқичлари, тугатилиши» номли боби ва «Туркистон ўлкаси Амударё бўлимидаги 1916 йил халқ кўзғолони бўлиб ўтган ҳудудлар, босқичлари, мағлубияти» номли бобида қайд этилган натижалар мазкур даврни фактик материаллар, манбалар ва маълумотлар билан тўлдиришга кўмак бериб, Хива хонлиги ва Амударё бўлимидаги 1916 йилги ижтимоий-сиёсий, ҳарбий жараёнларда фаол қатнашган ватандошларимизнинг Россия империясига қарши олиб борган қуролли ҳаракатлари илмий асосда ёритилган. (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Қатағон қурбонлари хотираси давлат музейининг 2020 йил 29 майдаги 46-сон маълумотномаси). Тадқиқотчи томонидан тақдим этилган архив ҳужжатларининг нусхалари, кўзғолон қатнашчиларининг фотолари, турли хариталар ҳамда оғзаки тарих материаллари экспозициянинг янада қизиқарли ва таъсирчан бўлишида муҳим аҳамият касб этади.

2019 йил 10 июнь куни Х.М.Отегенов Қорақалпоғистон Республикаси тарихи ва маданияти давлат музейига 1916 йил кўзғолони тўғрисида маълумот берувчи портрет-баннерини тақдим қилди ҳамда бу билан музей экспонатлари сонини янада оширишга ўз ҳиссасини қўшди. Бу портрет-баннер музейнинг ушбу даврга оид бўлимларини бойитишда катта аҳамиятга эга бўлди (Қорақалпоғистон Республикаси Маданият вазирлиги Қорақалпоғистон тарихи ва маданияти давлат музейининг 2020 йил 19 майдаги 78-сон маълумотномаси). Ушбу тадқиқот натижалари аждодларимизнинг тарихи ва маданияти бўйича билимларни шакллантиришда муҳим аҳамиятга эга.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари 28 та республика, халқаро илмий-амалий ва назарий конференцияларда, шу жумладан, 7 та халқаро конференция (Махачкала, Астрахань, Нукус), 21 та республика илмий-амалий ва назарий конференцияларида (Тошкент, Нукус) апробациядан ўтган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 36 та илмий иш эълон қилинган бўлиб, шундан 1 жамоавий монография, 1 ўқув жамоавий қўлланма, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий Аттестация Комиссияси докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 6 та мақола, жумладан, 3 республика ва 3 та хорижий журналларда нашр қилинган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Тадқиқот кириш, уч боб, хулоса, фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати, иловалардан иборат. Диссертациянинг тадқиқот қисми 130 бетни ташкил этади.

## **ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ**

**Кириш** қисмида танланган мавзунинг долзарблиги асосланиб, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, ўрганиш объекти ва предмети аниқланган. Тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилиб, илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган. Олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган ҳолда уларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиқ берилган. Тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, ишнинг апробацияси, эълон қилинган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Мавзу тарихшунослиги ва манбашунослиги**» номли биринчи бобида тарихий адабиётни уч гуруҳга бўлиш мақсадга мувофиқ эканлигини кўрсатади: совет даври адабиётлари; мустақиллик даври нашрлари; хорижий тарихшуносликдаги тадқиқотлар.

**Совет даври адабиётлари.** П.Алексеевнинг китобида 1916 йилги Хива хонлигидаги халқ кўзғолони сабаблари, тайёрлиги, кўзғолончиларнинг

Хивага юриши, Жунаидхон фаолияти, қўзғолоннинг характери, бостирилиши ҳақида сўз юритилган<sup>6</sup>.

1953-1954 йилларда ўтказилган илмий сессияларда 1916 йил қўзғолонининг синфийлаштирилган, сиёсатлаштирилиб ғоялаштирилган талқини ишлаб чиқилди ва у 1950-1980 йилларда яратилган барча тадқиқотлар учун расмий андоза, мажбурий бош мезон бўлиб хизмат қилди<sup>7</sup>.

Ўзбекистон тарихшунослигида биринчи мартаба Х.Турсунов 1916 йил воқеаларига доир жуда катта ҳажмдаги янги маълумотлар билан бойитилган йирик монография яратиб, 1916 йилги Амударё бўлимидаги халқ қўзғолони тарихи бўйича маълумотлар бериб, тарихий фактлар ушбу қўзғолоннинг «стихияли халқ ҳаракати» эканлигини тасдиқлайди, деб кўрсатади<sup>8</sup>.

Академик Ғ.Непесов асарларида 1916 йил Хива қўзғолони «прогрессив» ва «реакцион» деб аталган босқичларга ажратилади, шундай қилиб, бир ҳаракат икки хил ном билан баҳоланган<sup>9</sup>.

Я.М.Досумов ва Р.Қосбергеновларнинг монографик асарларида бизни қизиқтирган кўплаб маълумотлар келтирилган<sup>10</sup>.

Х.Зиёев Туркистон минтақасидаги миллий-озодлик ҳаракатлари тарихини ўрганишга алоҳида аҳамият қаратди, қўзғолон қатнашчилари билан учрашиб, улардан эсдаликлар ва суратларини олди, булар қўзғолонларнинг сабаблари, ривожланиши ва бостирилиши ҳақида қимматли маълумотларни беради<sup>11</sup>.

Амударё бўлимидаги 1916 йил халқ қўзғолони тарихини ёритишда Алписбай Тўреевнинг ҳиссаси катта<sup>12</sup>.

Қўзғолоннинг шафқатсиз бостирилиш жараёни, қўзғолончилар устидан суд жараёни аниқ манбалар асосида таҳлил қилинди<sup>13</sup>.

1916 йилги халқ қўзғолони тарихий шеърларни олимларимиз асарларида манба сифатида талқин қилина бошлади<sup>14</sup>.

Умуман, совет даври тарихшунослигида ушбу мавзу ёритила бошланди, лекин мафкура ва синфий концепция қўзғолон тарихини холисона ёритишга йўл қўймади.

<sup>6</sup> Алексеенков П. Хивинское восстание 1916 года. – Ташкент: САНИИР, 1930.

<sup>7</sup> Материалы Объединенной научной сессии, посвященной истории Средней Азии и Казахстана в дооктябрьский период. – Ташкент: Изд-во АН УзССР. – Б.277-412.

<sup>8</sup> Турсунов Х. Восстание 1916 года в Средней Азии и Казахстане. – Ташкент: Госиздат УзССР, 1962. –Б. 272-274.

<sup>9</sup> Непесов Г. Победа советского строя в северном Туркменистане (1917-1936 гг.). – Ашхабад: Изд-во АН Туркменистана, 1950.

<sup>10</sup> Досумов Я.М. Очерки истории Каракалпакской АССР (1917-1927 гг.). – Ташкент: Изд-во АН Узбекистана, 1960; Косбергенов Р. Каракалпакстанның Россияға қосылыўы. - Нөкис: Каракалпакстан, 1972.

<sup>11</sup> Зиёев Х. 1916 йил қўзғолонининг қатнашчилари. – Тошкент: Ўзбекистон, 1976. – Б.178.

<sup>12</sup> Төреев А. 1917-жыл Октябрь қарсаңында Каракалпакстанда революциялық ҳам миллий-азатлық ҳаракети. – Нөкис: Каракалпакстан, 1966; Ўша муаллиф. Каракалпакстанда 1916-жылғы халық көтерілиси. – Нөкис: Каракалпакстан, 1967; Ўша муаллиф. XIX әсирдің ақыры XX әсирдің басында каракалпак үлкесинде дийханлар ҳаракети. -Нөкис, 1991.

<sup>13</sup> Абдурахимова Н.А., Садыков А.С., Шамамбетов Б. Политические процессы в Туркестане (1905-1917). - Нукус: Каракалпакстан, 1988. – Б.140.

<sup>14</sup> Қожықбаев Ә. Тарийхый қосықлар. – Нөкис: Каракалпакстан, 1980. 56 бет.

**Мустақиллик даври нашрлари.** 1916 йилги халқ кўзғолонининг 80 йиллигига бағишлаб ўтказилган илмий анжуманда илк марта илмий асосланган ва холисона фикр айтишга ҳаракат қилинди. Кўзғолон тарихини ҳар бир вилоят доирасида чуқур ва атрофлича ўрганиш, илмий истеъмолга киритилмаган юзлаб ҳужжатларни жалб этиш, уларни холисона таҳлил қилиш зарурияти таъкидланди<sup>15</sup>.

1916 йилги кўзғолонлар ўлкани доимо ларзага солиб турди деган хулосага келишди<sup>16</sup>. 1916 йилги кўзғолон ўлка халқларининг озодлик учун кураш тарихига ёрқин саҳифа бўлиб битилди. Бу кўзғолон маҳаллий аҳолининг миллий ўзлигини англашида, унда мустамлакачиликка қарши, мустақиллик ва ислом дини асослари бузилмаслиги учун кураш ғояларини мустаҳкамлашда ўчмас из қолдирди<sup>17</sup> деган хулоса берилди.

Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги тарихчилари ҳам ушбу мавзу ёритилишига катта ҳисса қўшдилар<sup>18</sup>.

Ўзбекистон миқёсида янги, илмий асосланган асарлар ёритилиб, миллий озодлик йўналишини чуқур ва атрофлича ўрганиш, муаммонинг мавҳум, мунозарали масалаларини ҳал этишга имкон берди<sup>19</sup>.

---

<sup>15</sup> Зияева Д. Освещение восстания 1916 года в Туркестане в исторической литературе // Общественные науки в Узбекистане. 1991. №9. Б.42–46; Зияева Д. 1916 йил кўзғолони тарихшунослиги ва манбалари // Ўзбекистонда ижтимоий фанлар. 1997. № 1–2. – Б. 53–56; Зияева Д.Х. Советская и современная историографии восстания 1916 года в Узбекистане // Восстания 1916 г. в Азиатской России: неизвестное об известном (К 100-летию Высочайшего повеления 25 июня 1916 г.): [коллективная монография] / [ред.-сост.: Т.В. Котюкова]. – М.:Русский импульс, 2017.– Б.385-392; Жалменова О. Восстания в Хивинском ханстве накануне и в годы Первой мировой войны: проблемы историографии // Ўша жойда. – Б.393-399.

<sup>16</sup> Ўзбекистон янги тарихи. 1-3 жилд. – Тошкент: Шарқ, 2000. 1 жилд. Туркистон чор Россияси мустамлакачилиги даврида. – Б.412-444.

<sup>17</sup> Ўзбекистон тарихи (1917-1991 йиллар). Биринчи китоб 1917-1939 йиллар. – Тошкент: Ozbekiston, 2019. – Б.17.

<sup>18</sup> Ганин А. В. Последняя полуденная экспедиция Императорской России: Русская армия на подавлении туркестанского мятежа 1916-1917 гг. // Русский сборник. Исследования по истории России. Ред.-сост. О. Р. Айрапетов, Мирослав Йованович, М. А. Колеров, Брюс Меннинг.–Москва, 2008.– Б.152-214; Папазов А.В. Среднеазиатское восстание 1916 года и роль генерал-губернатора А.Н. Куропаткина в его подавлении // Вестник Московского государственного областного университета. Серия: История и политические науки.- 2012.- № 2.- Б.111-112; Восстания 1916 г. в Азиатской России: неизвестное об известном (К 100-летию Высочайшего повеления 25 июня 1916 г.) - Москва: Русский импульс, 2017.- 528 б.; Цивилизационно-культурные аспекты взаимоотношений России и народов Центральной Азии в начале XX столетия. 1916 год: уроки общей трагедии. / Сб. док. международной научно-практической конференции. – М., 2016. 211 б.; Локшин А. Из истории изучения восстания в Центральной Азии в 1916 году в советской и российской историографии. Некоторые особенности и характеристики // Сборник статей Межд. научного совещания «Переосмысление восстания 1916 года в Центральной Азии», Бишкек, Кыргызстан, 20-21.05 2016// [http://kghistory.akipress.org/unews/un\\_post:8932](http://kghistory.akipress.org/unews/un_post:8932); Восстание 1916 года в Туркестане: документальные свидетельства общей трагедии. Сборник док. и мат-в / МГУ им. М.В. Ломоносова, Ин-т всеобщей истории РАН. Сост., авт. пред., вступ. ст. и коммент. Т.В. Котюкова. – Москва: Марджани, 2016. - 468 б.; Котюкова Т. В. Восстание 1916 г. в Туркестане: ошибка власти или историческая закономерность? // Обозреватель-Observer. – 2011. – № 8. – Б. 98– 126; Ўша муаллиф Туркестанское направление думской политики России (1905-1917). – Москва: Энтер-графика, 2008. – Б.201.

<sup>19</sup> Абдурахимова Н.А. Колониальная система власти в Туркестане во второй половине XIX – первой четверти XX вв. – Ташкент: Университет, 1999. – Б.162; Чориев З. Туркистон мардикорлари: сафарбарлик ва унинг оқибатлари (1916-1917). – Тошкент: Академия, 1999. – Б.260; Суюнова О. Туркистонда 1916 йилги миллий-озодлик кураши. Тошкент: Фан, 1997.- Б.210; Исмаилова Ж.Х. XX аср бошида Туркистонда миллий-озодлик курашлари (Фарғона водийсидаги 1916 йил кўзғолони мисолида). – Тарих фанлари доктори ... дисс. автореферати. – Тошкент, 2002. – Б.53; Абдурашулов У. Конфликт как ресурс: анатомия «туркменских беспорядков» в Хорезме, 1914-1916 гг. // Ab Imperio, 2018. №3. – Б.141-186.

«Қорақалпоғистоннинг янги тарихи» китобида Хивадаги қўзғолон тарихини Х.Есбергенов, Амударё бўлимидаги қўзғолон тарихини А.Кошанов баён қилдилар<sup>20</sup>.

Хоразм тарихи бўйича жамоа китобларида Хива хонлигидаги 1916 йил қўзғолони ўз ифодасини топди<sup>21</sup>. Полвонийёз Хожи Юсуповнинг «Хотираларида» 1910-1925 йиллар оралиғида Хоразмда рўй берган тарихий жараёнлар инкор этиб бўлмайдиган далиллар асосида баён қилинган<sup>22</sup>.

Мустақиллик йиллари Хоразм тарихчилари катта ютуқларга эришди ва Хива хонлигидаги 1916 йил қўзғолон тарихи уларнинг эътиборида бўлди<sup>23</sup>.

Н.Т.Полвоновнинг номзодлик диссертацияси ва асарлари янги архив материаллари билан қўзга ташланади, 1916 йил қўзғолони тарихи бўйича янги концепция яратилган<sup>24</sup>.

Ҳозирги замон тарихшунослигида мавзу бўйича янги архив ҳужжатлари билан бойитилган О.Қўшжонов ва Н.Полвоновнинг монографиясини алоҳида таъкидлаш жоиз<sup>25</sup>. Асарнинг 3-боб 5-параграфида хон ҳукумати ва Россия империясининг мустамлака зулмига қарши 1916 йилдаги Хива қўзғолони тарихи батафсил баён этилган.

Лекин Отамурод Қўшжонов ва Гавҳар Дурдиеваларнинг бошқа китобидаги «Жунаидхон – истиқлол курашчиси» деган концепцияси билан келишиш тўғри эмас. Шунингдек, муаллифлар «Жунаидхон ўзининг бутун онгли умрини истиқлол йўлида бахшида этган» деган хулосалари<sup>26</sup>, бизнинг фикримизча, ҳужжатларда ўз тасдиғини топмади.

**Хорижий тарихшуносликдаги тадқиқотлар.** Иккинчи жаҳон уруши йилларида Аҳмад Закий Валидий Тўғон, Боймирза Ҳайит, Абдулла Ражаб Бойсун каби муҳожирликдаги ватандошлар Туркистондаги миллий ҳаракатлар тарихига катта эътибор қаратадилар<sup>27</sup>. Чагатай, Меҳмет Сарай

<sup>20</sup> Қарақалпақстанның жаңа тарийхы. Қарақалпақстан ХІХ әсирдиң екинши ярымынан ХХІ әсирге шекем. – Нөкис: Қарақалпақстан, 2003. – Б.111-124.

<sup>21</sup> Хоразм тарихи. Бош муҳаррир проф. М.Матниёзов – Урганч: Хоразм, 2005. – Б.480; Хорезм в истории государственности Узбекистана / - Ташкент: Изд-во Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти, 2013. - Б.336.

<sup>22</sup> Полвонийёз Хожи Юсупов. Ёш хиваликлар тарихи (хотиралар). / Масъул муҳаррир М.Матниёзов.– Урганч: Хоразм, 2000. – Б.520.

<sup>23</sup> Каюмов М. ХІХ аср иккинчи ярми ва ХХ аср бошида Хива хонлигида ижтимоий-сиёсий жараёнлар. - Тарих фанлари номзоди... дисс. – Тошкент, 2006. – Б.150; Шерипов У.А. Хива хонлиги тарихи (1511-1920). - Тарих фанлари номзоди... дисс. – Нукус, 2009. – Б.170; Худойберганов К. Хива хонлари тарихидан. – Урганч: Хоразм, 2008. – Б.194; Нуржонов К., Сатлиқов Ҳ. Сорибий тарихидан лавҳалар. – Урганч: Хоразм, 2010. – Б.120.

<sup>24</sup> Полвонов Н.Т. Хоразмдаги ижтимоий ҳаракатлар ва сиёсий партиялар тарихи (1900-1924). - Тарих фанлари номзоди... дисс. – Тошкент, 2005. – Б.150; Ўша муаллиф. Хоразмдаги ижтимоий ҳаракатлар ва сиёсий партиялар тарихи (1900-1924). – Тошкент: Akademnashr, 2011. -Б.80; Ўша муаллиф. История социальных движений и политических партий Хорезма (1900-1924). – Ташкент: Akademnashr., 2011.-Б.78.

<sup>25</sup> Қўшжонов О., Полвонов Н. Хоразмдаги ижтимоий-сиёсий жараёнлар ва ҳаракатлар (ХІХ аср иккинчи ярми – ХХ аср биринчи чораги). – Тошкент: Abu matbuot-konsalt, 2007. – Б.217-264.

<sup>26</sup> Қўшжонов О., Дурдиева Г. Хива хонлиги туркманлари. - Хива: Хоразм Маъмун академияси нашрети, 2008. -Б.70-99.

<sup>27</sup> Zeki Velidi Togan. Bigunki Turkili ve yakin Tarihi. - Istanbul. 1942-1947. – Б.450; Türkistanli Abdulla Rajab Baysun. Turkistan milli Hareketleri.- Istanbul, 1945. – Б.270; Baymirza Hayt. Turkestannin qisqaca tarihi.- Berlin, 1944. – Б.284; Hayit Baymirza. Milli Turkistan Hurriyet Davası. Milli Turkistan Mecmuasında bildirilgan fikirler.- Ankara, 2004.- P. 162–164; Hayit B. Ruslara karşı Basmacılar Hareketi. Turkistan Turklerinin Milli Mecmadelesi

талқинида 1916 йилги қўзғолон озодлик кураши сифатида талқин этилади<sup>28</sup>. Салих Йелмазнинг қорақалпоқлар тарихи бўйича асари диққатга сазовордир, чунки муаллиф ўлкамизда илмий тадқиқотларда иштирок этиб, ўзбек ва қорақалпоқ тилларидаги тарихий адабиётлар билан ишлади<sup>29</sup>.

1950 йиллари АҚШда Э.Сокол, Ч.Хостернинг асарлари чоп этилган бўлиб, унда 1916 йилги қўзғолон Россиянинг мустамлакачилик тартибларига қарши қаратилганлиги алоҳида таъкидланади<sup>30</sup>.

Шунингдек, Марказий Осиё цивилизацияси тарихига бағишланган асарларда 1916 йилги воқеалар ўз ифодасини топди<sup>31</sup>. Хорижий тарих-шунослик 1916 йилги қўзғолоннинг 100 йиллигига бағишлаб, замонавий тарих фани ютуқларини жамлаб, салмоқли мазмунга эга китоб чоп этди<sup>32</sup>.

**Манбашунослик ва археография.** 1916 йил қўзғолони бўйича бир нечта архив ҳужжатларини ўз ичига олган тўпламлар нашр этилган<sup>33</sup>.

1950 йиллар бошларида А.Тетюшев ва Б.Чепруновлар Қорақалпоғистонда 1916-1920 йилларга оид ёдномалар ва архив манбаларни тўплади<sup>34</sup>.

Ўзбекистон Республикаси марказий давлат Архивида /ЎЗРМДА/ сақланаётган маълумотлар Туркистон генерал-губернаторлиги идорасининг фаолиятини ёритувчи ҳужжатларни (ф.1.) ўз ичига олади. Улар орасида Хива хонлиги ва Амударё бўлимига доир маълумотлар салмоқли ўрин эгаллайди. Маълумки, Туркистон генерал-губернатори А.Н.Куропаткин 1916 йил қўзғолони бўйича марказий ҳокимият вакиллариغا ҳисобот бериб турган.

---

İstanbul, 2006. P. 23–26; Baysun Abdullah Recep. Turkistan İstiklal Hareketleri ve Enver Paşa. - İstanbul, 2006.- P. 19–22; Andican Ahat A. Ceditizm'den Bağımsızlığa Harizte Turkistan Mecmadelesi. - İstanbul, 2003.- P.167-176; Yalçinkaya Alaeddin. Pan-İslamizm Işığında Turkistan (1856'dan Günümüze). - Ankara, 2006.- P. 320.

<sup>28</sup> Çagatay. Kizil imperalizm. - Ankara. 1967. – Б.290; Saray M. Ozbek turkleri Tarihi. - Istanbul, 1993. – Б.180; Saray M. The Russian, British, Chinese and Ottoman Rivalry in Turkestan. - Ankara, 2003.- P. 234.

<sup>29</sup> ÇaliqYelmez. Karakalpak Turkleri ve Karakalpakstan tarihi 1873-2002. – Ankara, 2004. – Б.480.

<sup>30</sup> Edward Denis Sokol. The revolt of 1916 in Russian Central Asia. - Baltimore, 1954. – Б.310; Charles W. Hostler. Turkism and the Soviets: The Turks of the World and their Political Objectives. London: Brown Knight & Truscott Ltd., 1957. – Б.280; Allworth E. Central Asia a century of Russian Rule. Columbia University Press. New York–London, 1967. P. 216; Seymour Becker. Russia's Protectorate in Central Asia: Bukhara and Khiva, 1865–1924. - Cambridge, MA, 1968.- P. 76; Paul Nazaroff. Hunted Through Central Asia. - Oxford University Press, 2002. – P.168

<sup>31</sup> History of civilizations of Central Asia. Vol. 6. Towards the contemporary from the mid-nineteenth to the end of the twentieth century. – Paris: UNESCO, 2005. – P.1033; History and Culture of Central Asia. – Tokyo Tokyo Press, 2012. – P.286; An historical atlas of Central Asia. – Leiden Brill, 2003. – P.110;

<sup>32</sup> Morgan Philips Price. Dispatches from the Revolution - Russia 1916-1918. Duke University Press, Durham 1998; Dominic Lieven. The Russian Empire and its Rivals. - New Haven and London: Yale University Press, 2000. – P.201-209; Morrison A. Metropole, Colony, and Imperial Citizenship in the Russian Empire // Kritika. Explorations in Russian and Eurasian History. Vol.13 No.2. Spring. 2012/ - PP. 327 – 364; Morrison A. The 1916 Central Asian Revolt // The Ninth ICCEES World Congress August 3–8, 2015 Makuhari Preliminary Program (September 18, 2014). Makuhari, 2014. P. 71; Alexander Morrison. Review: The Revolt of 1916 in Russian Central Asia. By Edward Dennis Sokol. ... // Slavic Review. 2017. Vol. 76. No. 3. P. 774; The Central Asian Revolt of 1916. A collapsing empire in the age of war and revolution / Edited by Alexander Morrison, Cloe Drieu and Aminat Chokobaeva. - Manchester University Press, 2019. – P.384.

<sup>33</sup> Восстание 1916 года в Средней Азии. Сб. документов. Под ред. П.Г. Галузо. – Ташкент: Госиздат УзССР, 1932; Восстание 1916 г. в Туркмении (документы и материалы).- Ашхабад, 1938. Восстание 1916 года в Средней Азии и Казахстане. Сборник документов / Составители: С.П.Агаджанов, Ф.Азадаев, А.Н.Акатова, Х.Зиёев, Ф.И.Киреев, Н.С.Орлова, Я.М.Сервий, О.Д.Чехович. – Москва: Наука, 1960.

<sup>34</sup> Материалы и документы по истории гражданской войны в Каракалпакии. Т.1-2. //ӨЗР ФА ҚҚБ бўлими фундаменталь кутубхонаси қўл ёзма фонди.

Улар ф.1.3-рўйхат, 1110 ишда жамланган бўлиб, қўзғолонларнинг сабаблари, ривожланишини ва иштирокчилари ҳақида маълумотларни ёритишда муҳим ўрин тутади. Архив ҳужжатларининг бир қисми бевосита Амударё бўлими маъмурий идораларининг ҳужжатларини ўз ичига олади. Бўлим раҳбари идорасининг фаолиятини акс эттирувчи ҳужжатларда сиёсий, иқтисодий ва маънавий ҳаётига оид маълумотни кўриш мумкин. Архив ҳужжатларининг бир қисмини қўзғолончиларнинг тергов ва суд қилинишини акс эттирувчи фондлар ташкил этади.

Асфандиёрхоннинг тутган йўли ҳақида қорақалпоқ халқининг «Бир элават заман болды» тарихий шеърда жуда яхши таърифланган. Хива хонлигининг оғир солиғи ва ички бийлар томонидан ҳар томонлама азоб чеккан халқнинг турмуш тарзи «Қарақалпоқ» тарихий шеърда реал тасвирланган.

Халқ орасидан тўпланган тарихий шеърлардан бири - «Ўёезжан». Бу шеърда Хива хони Асфандиёрхоннинг қиз масаласидаги зулмига қарши Хўжайли ва Манғитда 1916 йилнинг 10 январидagi халқ қўзғолони ҳақида сўз юритилади.

Халқ орасидан турли йилларда ёзиб олинган ва матбуотда эълон қилинган «Жети ўйден бир белдар», «Мёрдикар», «Нёйлейин», «Тапсырдым» сингари шеърлар ва Қудайберген шоирнинг «Мёрдикар» достони мавжуд<sup>35</sup>. «Хан қазыўы», «Мёрдикар», «Урыс салығы» каби воқеалар 1916 йиллардаги меҳнаткаш халқ учун оғир юк бўлди<sup>36</sup>.

Умуман, Хива хонлиги ва Амударё бўлимидаги 1916 йилги халқ қўзғолонлари бўйича тарихшунослик, манбашунослик нуқтаи назаридан жуда бой материаллар тўпланган. Вазифа – шуларни ҳозирги замон назарияси ва методологияси асосида талқин қилишдан иборат.

Диссертациянинг «**Хива хонлигида Авазжан хўжа раҳбарлигидаги 1916 йилги халқ қўзғолони сабаблари, хусусиятлари, босқичлари, тугатилиши**» номли иккинчи бобида хон ва мустамлакачи ҳукуматга қарши қуролли қўзғолонлар баён қилинади.

1915-1916 йиллардаги халқ ғалаёнлари хонликдаги ижтимоий-иқтисодий зулмнинг ҳаддан ташқари кучайиб кетиши оқибатида келиб чиққан эди. Асфандиёрхоннинг солиқларни кескин ошириши, Россияга уруш харажатлари учун маблағларнинг зўрлик билан тўпланиши аҳолининг турмуш даражасига салбий таъсир кўрсатди.

1916 йил январининг илк кунларида хон саройига иккита қиз олиб келинган: 15 ёшли Энажон Хўжайли шахрида яшовчи, қорақалпоқ, қассоб Дўстниёз Юсуповнинг қизи ва 14 ёшли Айман Манғит қишлоғида яшовчи ўзбек, темирчи ҳунарманд Жаббор Полвоновнинг қизи эди. Бир неча кундан сўнг ҳар иккала қизнинг жасади яширин тарзда ота-оналарига олиб борилган.

1916 йилнинг 8 январиди Хўжайли беклигида яна қизларни мажбуран олиб кетиши мумкин деган хабар билан Хўжайли шахрида, унга яқин

<sup>35</sup> Қарақалпоқ халқ қосықлары. - Нөкис, 1965. – Б.234-298.

<sup>36</sup> Қожықбаев Ә. Тарийхый қосықлар. – Нөкис: Қарақалпақстан, 1980. – Б.45-58.

худудлардаги деҳқонлар қўзғолон кўтара бошлади<sup>37</sup>. 1916 йил 14 январда Хўжайли беги Авазжан хўжа 300-500 одамга яқин намоишчилар билан Хивага йўл олди. Уларга Қипчоқ, Манғит, Порси, Кет, Тошқишлоқ ва бошқа жойлардаги намоишчилар қўшилиб, уларнинг сони 2000-3000 га етди. 1916 йилнинг 18 январидида Хива томонга Шомми Кал бошчилигида пилта милтиқ, сойли милтиқ ва қилич билан қуролланган 1500 суворий юриш бошлади.

19 январда Хивада рус подшоси армияси кучи ёрдамида 7 кишининг қамокқа олиниши билан қўзғолончилар уйларида тарқалишига мажбур бўлди. Лекин бу ҳаракатни узил-кесил тўхтата олмади<sup>38</sup>.

1916 йилнинг 2 февралда қўзғолончилар Тошҳовуз, Ғозовот, Шовот, Моноқ, Қиличбой, Қиёт, Манғит, Гурлан каби шаҳар ва қишлоқларни эгаллаб Хива томонга ҳаракат қилишди. 3 февралга келиб қўзғолончиларнинг умумий сони 10 000 кишидан иборат эди. Уларнинг 6 000 нафаридигина ўқотар қуроллар бор эди.

8 февралда қўзғолончилар Хивани ҳар томондан ўраб, пойтахт ва Урганчни боғловчи телеграфларни кесиб ташлашди. Рус саноатчи-савдогарларининг Урганч, Манғит, Хўжайли ва Тошҳовуздаги идора ва омборларини талон-тарож қилишди. Амударё бўлими бошлиғи полковник В.П.Колосовский 5 февраль куни «Ўтган тунда туркман отлиқлари томонидан Хива ва Урганч атрофидаги бой хиваликларга тегишли 12 та қўрғон талон-тарож қилинди. Манғит ва Қиличбой шаҳарларидаги беклар, иккита оқсоқол жойидан олиб ташланди ва хос навкарлари қўлга олинди. Миш-мишларга кўра, эртага Урганчни талаш белгиланган. Ҳамма ерга соқчи отлиқлар қўйиб чиқилган»<sup>39</sup>, деб ёзган эди.

Жунаидхон 10-11 февраль кунлари қурол кучи билан Хонқа ва Гурлан шаҳарларида 260 000 рубль жарима ундирди. Урганчга эса 261 000 рубль товон пули юкланди<sup>40</sup>.

Хон шаҳарнинг мудофааси ва ўзининг тақдирини Колосовскийга топширди. Бу хизмати учун полковник шу заҳотиёқ хондан 190 000 рубль ҳақ олди<sup>41</sup>. В.П. Колосовский тасарруфида бор-йўғи 4 та замбарак ва 4 та пулемет билан қуролланган 300 дан 400 гача аскар бор эди. У бир неча бор Тошкент ва Петроградга телеграф жўнатиб, қўзғолончиларни бостириш учун зудлик билан Хивага қўшин юборилишини сўради.

13 февралнинг оқшомида пойтахтга Жунаидхон етиб келди. У Асфандиёрхонни қутқариб, жонини сақлаб қолгани учун 60 000 рубль тўлашини талаб қилди. Жунаидхон ва унинг сафдошларининг қилган бу талончилик «жасоратлари» Гурлан ва Урганч атрофларида генерал Галкин қўшинлари пайдо бўлганлиги ҳақидаги хабарлардан сўнг тўхтаб қолди. Саросимага тушган жунаидчилар талончилик орқали қўлга киритилган оғир

<sup>37</sup> Төреев А. Қарақалпақстанда 1916-жылғы халық көтерілиси... – Б.13

<sup>38</sup> Қўшхонов О., Полвонов Н. Хоразмдаги ижтимоий-сиёсий жараёнлар ва ҳаракатлар... Б.122

<sup>39</sup> Ўзбекистон Республикаси Марказий Давлат архиви (ЎЗР МДА). 907 фонд, 1-руйхат. 566-иш. 125-варақ

<sup>40</sup> Ўша жойда. 127-варақ

<sup>41</sup> Ўша жойда. 129-варақ



ўлжа-буюмларни олиб 14 февралнинг туш пайтида шаҳардан чиқиб, ўз овулларига жўнаб кетишди.

Жунаидхоннинг 1916 йилги Хива қўзғолонидаги «иштироки» шундан иборат эди. Агар хориж муаллифлари учун Жунаидхон – «Қорақум чўлининг қироли» бўлса, Оролбўйи халқлари учун у – катта йўлда туриб олган қароқчи эди<sup>42</sup>.

1916 йилнинг апрелида жазолаш отряди раҳбари Галкин Хўжайлидаги қўзғолон раҳбарларини дарғазаб қилиш пайтида шаҳарни қамал қилиш бўйича буйруқ берилди. Қўзғолон раҳбарлари ҳозирги Хўжайли шаҳрига кираверишдаги мактабга яқин жойда дорга осилган<sup>43</sup>.

Қипчоқда деҳқонларнинг намоиши тўхтамади, аксинча 1916 йилнинг ёзига яқин сув танқислиги, йиғим-солиқларнинг кўплиги, қиз солиғининг бекор қилинмаслиги билан боғлиқ янада кучли тусга кирди. Намойишчилар отрядига Матниёз жинни, Бобожон Яхшимов, Қўчқор Якубов, Наримон Маткаримов, Ерлепес мангчи ва бошқалар раҳбарлик қилган.

Галкин босиб ўтган йўлдаги овуллар вайронага айланди. 1916 йилни халқ «Галкин йили» деб атади<sup>44</sup>. Жазо экспедициясига сарфланган маблағ ва аҳолига келтирилган зарарни қоплаш учун 3 ярим миллион сўм товон пули ундириб олинди<sup>45</sup>. Хонлик аҳолисига, биринчи навбатда, туркманлар оилаларига 4 млн. 554 минг сўм миқдорида ҳарбий ўлпон солинди. Жазо экспедицияси қарийб 2 ой давом этди<sup>46</sup>.

Галкин 15 мартгача Хивада қолиб, шаҳарда ваҳшиёна террорни ўрнатди. 500 дан зиёд хивалик ва 200 га яқин туркман пойтахтда осилди. 14 март куни Галкин ўз кучини кўрсатиш мақсадида Хивада ҳарбий намоиш ўтказиб, унда 6-Оренбург казаклар полкининг 5 000 дан зиёд пиёда ва отлиқ аскарлари ҳамда 546-Қозон дружинаси 25 та тўпи ва 30 та пулемети билан иштирок этди<sup>47</sup>.

Галкин штабининг маълумотларига кўра, 15 ва 16 март кунларидаги жангларда 3 000га яқин қўзғолончилар иштирок этган, шундан 400 га яқин кишини қурбон беришган. Гувоҳларнинг ҳикояларига кўра, бу жангларда иштирок этган қўзғолончилар сони туркманлардан 4 000 ва ўзбеклардан 2 000га яқин бўлиб, умуман олганда, улар бу жангларда ўлдирилганлар ҳисобига 1 500 атрофидаги кишини йўқотишганди. Бу ҳақиқатга яқин, чунки Галкиннинг ўз маълумотида тан олишича, Ғазовот жангида у «қўзғолончиларга қакшатқич зарбалар берган»<sup>48</sup>.

Галкин 30 апрелда Тошкентга: «Аҳолига бутун Хива хонлигида бузилган тартиб ўрнатилмагунча рус отрядлари шу ерда қолишини исботлаш учун мен отрядим билан фақатгина айрим, қўзғолон даҳл қилмаган

<sup>42</sup> Сейтназаров М. О роли личности в истории. Джунаид хан // Вестник ККОАН РУз. 2012. №3. – Б.67

<sup>43</sup> Хайитбай Абдусадик. Хожели-Хожали... Б.28.

<sup>44</sup> Непесов Г. Из истории Хорезмской революции... Б. 62

<sup>45</sup> Ўз МДА. И-1-фоид. 31-рўйхат. 1104-иш, 69-варақ

<sup>46</sup> Полвонниёз хожи Юсупов. Ёш хиваликлар тарихи (хотиралар)... Б.68

<sup>47</sup> Ўша жойда, 139-варақ

<sup>48</sup> Ўша жойда, 144-варақ

Қўнғиротдан ташқари бутун шаҳарларни айланиб чиқиб, отряднинг асосий ҳаракати йўлида таланган мол-мулкларни топиш, қўзғолончиларни ҳибсга олиш ва жазолаш учун алоҳида экспедицияларни жўнатдим», деб хабар юборади<sup>49</sup>.

1917 йил Амударё бўлими бошлиғи Туркистон генерал-губернаторига Хива хонлигидаги вазият ҳақида маълумот юбориб, «Ҳозир ҳаммаси аввалгидек қолган, хонга нисбатан халқнинг нафрати янада кучайган. Фақат бир нарса амалга оширилди, бу рус қуроли кучига қўрқув ва ишонч уйғотилди. Ҳозирча фақат шунгагина суяниш мумкин»<sup>50</sup>.

Куропаткиннинг ўзи «1917 йил давомида хонга қарши яна янги душманлик руҳдаги чиқишлар кутилмоқда», деб тан олган эди<sup>51</sup>. Катта бир гарнизоннинг Хивага жойлаштириши ва хоннинг «даволаниш» баҳонасида тинимсиз хонликдан ташқари чиқишни ихтиёр этиши ҳам Хивада ҳаммаси жойида эмаслигидан далолат беради.

Диссертациянинг «Туркистон ўлкаси Амударё бўлимидаги 1916 йилги халқ қўзғолонининг ўзгачалиги, ҳудудлари, босқичлари, мағлубияти» деб номланган учинчи бобида қўзғолоннинг жуда кўп сабаблари мавжуд эканлиги баён қилинади. Булар ҳаммаси сиёсий, иқтисодий, ижтимоий сабаблар ҳамда мустамлакачиларнинг маъмурий бошқарув усулларига нисбатан аҳолининг умумий норозилиги билан қўшилиб ягона мажмуани ташкил этади.

Мардикорликка қарши халқ ҳаракати очик қўзғолонларга айлана борди. Қўзғолончилар «Мардикорликка бормаймиз! Мардикорликни амалга оширишда тенгсизлик бўлмасин! Бойнинг фарзандлари бизлар билан баробар борсин! Болаларимизни, эрларимизни юбормаймиз!» - деган шиорлар кўтарилди. Улар мардикорликка олишни тўхтатишни талаб қилишди.

Ҳаракат Амударё бўлими участкаларини қамраб ола бошлади, 1916 йил 24 июль куни кучли қўзғолон Тўрткўл бўлислигида бошланди. Сахтиян оқсоқоллигида 200 дан ортиқ эркак ва аёллар қўзғолон кўтарди. Бу қўзғолонни Амударё бўлими бошлиғи ўринбосари: «мардикорликка бориши керак одамлар ҳали маълум бўлганича йўқ эди. Аёллар томонидан Тўрткўл бўлислигида хавфли норозиликлар бўлди», - деб хабар қилади<sup>52</sup>.

